Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним,
жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
16-avgust,
seshanba

№ 96
(3757)

Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда




*Навоийда «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида «Истиқлол фарзандлари» ёшлар фестивали бўлиб ўтди.*

## Бахтиёр фарзандлар



Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда турли танловлар, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган истеъдодли ёшлар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун кенг шароит ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Фестивал доирасида Навоий шаҳридаги Тасвирий санъат галереясида «Ватанимга менинг туҳфам!» мавзусида расмлар кўргазмаси ташкил этилди. Ёшлар марказида инновацион ва бизнес ғоялар тақдимоти, турли кўргазмалар ўтказилди.

Иштирокчилар мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича кенг маълумотларга эга бўлди.

«Навоий кон-металлургия комбинати тарихи» музейи ва Навоий давлат кончилик институтининг замонавий янги ўқув биносида мамлакатимиз ерости бойликларидан оқилона фойдаланиш, уни қазиб олиш, соҳани малакали мутахассислар билан таъминлаш борасида яратилган шароитлар ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

— Жорий йилда «Йил сардори» кўрик-танловининг мамлакат босқичи ғолиби бўлдим, — дейди Наргиза Мажидова. — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейга ўқишга қабул қилиндим. Келажакда мен ҳам истиқлолнинг бахтиёр фарзандлари қаторида Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилганман.

Ёшлар фестивали Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғининг кичик амфитеатрида ташкил этилган таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

**Н.РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!

## Ҳасанбой — Олимпия ўйинлари чемпиони!



**Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилаётган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида ҳамюртимиз Ҳасанбой Дўсматовнинг ғалабаси шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилди. Бу мамлакатимиз истиқлолга эришганидан буён Олимпия ўйинларида қўлга киритилган еттинчи олтин медалдир.**

Бокс бўйича энг енгил вазн (-49 кг.) тоифасида рингга кўтарилган Ҳасанбой Дўсматов ҳал қилувчи финал жангида колумбиялик Юбержен Мартинес устидан зафар қучиб, ўз вазнида дунёнинг биринчи рақамли спортчиси эканлигини амалда исботлади.

— Бу бутун Ўзбекистоннинг ғалабасидир. Мен озод ва обод юртда туғилиб вояга етганлигимдан ва халқаро майдонда Ўзбекистон номидан майдонга чиқаётганлигимдан доимо фахрланаман. Муҳтарам Президентимиз биз ёшларга қарата «Маррани доимо юқори олинг, зеро Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди ҳам», деган сўзлари қалбимга муҳрланган. Фурсатдан фойдаланиб, биз спортчиларга қаратилаётган алоҳида эътибор ва кўрсатилаётган ғамхўрлик учун давлатимиз ҳамда хукуматимиз раҳбариятига чексиз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Олимпия ўйинларидаги олтин медалимни Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлайман.

2000 йили Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказилган Олимпиада ўйинларида 7 ёшли болакай эдим. Ҳали-ҳамон ёдимда, ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев бокс бўйича мусобақада барча рақиблари устидан зафар қучиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилганини бутун оиламиз билан кўрганмиз. Шунда бир кун келиб мен ҳам Олимпия чемпиони бўламан, дея ният қилганман. Ниятларим ижобат бўлганидан жуда ҳам хурсандман, — деди Ҳасанбой Дўсматов ОАВ вакиллари билан суҳбатда.

Ёши улуғлар орасида «Ҳаётда ҳар бир хайрли қадамнинг ҳикмати бор», деган гап юради. Булоқбоши туманининг Кулла қишлоғида спорт устаси Алимардон Зуфаров каратэ ва кикбоксинг бўйича тўгараклар очганида, Ҳасанбой энди беш ёшга кирган эди. Чайир болакай маҳалладаги ўсмир йигитлар билан бирга машғулотларга қатнай бошлади. Олти йил давомида устозидан яхшигина таълим олган Ҳасанбой мазкур тўгаракнинг энг яхши спортчиларидан бирига айланди.

Ўшанда 9-умумтаълим мактабининг 6-синфига ўтганди. Кўпроқ бувиси Буойшахонга эргашиб юрганиданми, «Мени спорт мактабига олиб боринг», дея юрагини очди. Набирасининг кўнглига қараб ўрганган онахон уни Андижон шаҳридаги олимпия захиралари спорт мактаби томон етаклади. Бироқ бу пайтда янги ўқув йилига қабул тугаган эди.

Шундай бўлса-да, мактаб директори Ҳасанбойнинг кўнглини чўктирмаслик учун тажрибали мураббий Зиёвуддин Тойғамбоевни чақириб, «Манави болани бир синаб кўринг-чи», дея маслаҳат солди.

Мураббий шогирдларидан бирини «манави бола»га қарши жангга солди. Ҳеч қанча фурсат ўтмай Ҳасанбой рақибини мағлуб этди. Жангни диққат билан кузатган Тойғамбоев мактаб раҳбарига фикрини очиқ айтди.

— Агар уни мактабга қабул қилсак, шу йилги Ўзбекистон чемпионатида ғолиб чиқади!

↘(4).

Хушхабар

**Хўжайли туманининг «Найманкўл» овул фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Бобожоновлар оиласида уч нафар чақалоқ дунёга келди.**

## Уч нафар чақалоқ туғилди

— Эгизак укаларини кўриб 5 ёшли набирам Заринахоннинг қувончи ичига сиғмаяпти, — дейди гўдакларнинг бувиси Ўразгул Бобожонова. — Шифокорлар берган совғалар — қўғирчоқларни бағрига босганча чақалоқлар атрофида парвона. Илоҳим, юртимиз тинчлигига кўз тегмасин, саховатпеша, мурувватли инсонлар омон бўлсин.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйини нишонлаш арафасида Азимжон Бобожонов ва Гулзор Йўлдошованинг хонадонидаги ушбу воқеадан барча хурсанд. Қўни-қўшни, қариндошлар Элбек, Нурбек ва Нигинахонни кўргани, ота-онаси ва бувисини табриклагани келмоқда.

Қадамингиз қутлуғ бўлсин, жажжилар!

**Нилуфар МАТКАРИМОВА,**
**ҳамшира**

Касаба уюшмалари мустақиллик йилларида

## Истиқлолнинг истиқболли жабҳаси

**Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида босиб ўтган йўлимизга назар ташласак, ушбу тарихан қисқа даврда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига гувоҳ бўламиз. Ушбу йилларда амалга оширилган истиқболли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон саноати ривожланган мамлакатга айлангани ҳеч кимга сир эмас.**

Сўнгги йилларда республикамиз иқтисодий ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмай келаётгани юртимизда барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар натижасидир. Бунда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва саноатни диверсификация қилиш, шунинг ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишга эришилиши алоҳида ўрин тутади. Айниқса, саноат соҳасини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, жумладан, йирик лойиҳалар ҳамда дастурлар фикримизга ёрқин мисолдир.

Президентимиз раҳнамолигида саноат тармоқларини диверсификациялашга қаратилган изчил ислоҳотлар мамлакатимизда машинасозлик ва электротехника соҳаларининг дунё иқтисодиётида шиддат билан ривожланаётган йўналишларини амалиётга муваффақиятли татбиқ этилишини таъминлади. Натижада, бир неча русумдаги замонавий автомашиналар, хусусан, «Damas», «Matiz», «Spark», «Nexia», «Cobalt», «Lacetti», «Malibu», «Orlando», «Captiva» ҳамда жорий йилдан бошлаб янги «Nexia» автомобили ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Ўзбекистон бозорида ушбу янги автомобил «Chevrolet Nexia» бренди остида сотилади. Хорижий мамлакатларга эса «Ravon Nexia R3» бренди остида экспорт қилинади.

Юртимизда маҳсулотларни маҳаллийлаштириш дастури доирасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. «Ўзавтосаноат» АК тизимидаги 35 дан ортиқ корхоналар бугунги кунда енгил ва юк автомобиллари ҳамда улар учун бутловчи қисмларни ишлаб чиқармоқда. Компания тизимидаги асосий ишлаб чиқариш корхоналаридан бири бўлган «GM Uzbekistan» автомобил заводига енгил автомобиллар учун бутловчи қисмларнинг аксарияти бугун юртимизнинг турли вилоятларида фаолият юритаётган қўшма ва маҳаллий корхоналар томонидан етказиб беріляпти. Мисол учун, ўтган йили Фарғонадаги «Автоойна» МЧЖ томонидан «Nexia» автомобили учун 16 минг, «Lacetti» автомобили учун 38 минг, «Cobalt» автомобили учун 19 минг, «Spark» автомобили учун 25 минг жамламадан ортиқ автомобил ойналари етказиб берилган. Шунингдек, корхона «Хоразмавто» ишлаб чиқариш корхонасига «Damas» автомобили учун 26 мингдан ортиқ ойналар жамламасини етказиб бериш билан бирга юртимиздаги иккиламчи бозорларни сифатли маҳсулот билан таъминлайди.

↘(3).



Энг улуғ неъмат

>> 2



Сўлим маскан бағрида

>> 4



Бахшилар куйлаганда

>> 4

Раёсат

**Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2016 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, истиқболдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.**

# Вазифалар белгилаб олинди

Ўтган ярим йилда ЎзКУФК Қурултойида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, жойларда «Жамоатчилик қабулхоналари» фаолиятининг йўлга қўйилиши меҳнаткашлар дуч келаётган баъзи муаммоларнинг вақтида ечим топишида муҳим омил бўлмоқда.

— Бирлашма томонидан «Ибратли касаба уюшма кенгаши» танлови эълон қилинганди, — деди бирлашма кенгаши раиси Маҳмуд Бобоёров. — Натижада, барча тармоқ ташкилотлари фаолиятига чуқур назар ташлаш имкони пайдо бўлди. Ўрганишлар асносида эришилган ютуқлар билан бирга ечимини кутаётган қатор камчиликларга ҳам холис баҳо берилди.

Эътироф этилганидек, қатор соҳаларда ижобий силжишлар бор. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, оилавий спорт мусобақалари ташкил этиш орқали фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бирлашма ташаббуси билан Пахтачи туманида веломарафон, Қўшработ туманида югуриш марафонларида 400 нафардан зиёд меҳнаткаш оиласи иштирок этди.

Ҳисобот даврида 1032 та касаба уюшма туман, шаҳар кенгашларига меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолиятни ташкил этиш, тизимда олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш, иш юритиш ва жамоатчилик назоратини олиб бориш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди. 700 та бошланғич ташкилотда меҳнат муҳофазаси соҳасида ўрганишлар ўтказилди. Мазкур жараёнда аниқланган 2428 та камчилик бартараф этилишига эришилди.

Жорий йил биринчи ярмида тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашларида ташкил этилган жамоатчилик қабулларида 788 та мурожаат рўйхатга олинди. Уларнинг аксарияти қаноатлантирилди.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан касаба уюшмалари томонидан ҳар бир туман, шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини ташкил этиш орқали коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш режалаштирилган бўлиб, манзилли дастур асосида вилоятда 400 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда аъзолик афзалликлари бўйича олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида 615 та хўжалик субъектида меҳнат қилаётган 4703 нафар ходим касаба уюшма ҳимоясига олинди.

Аъзоларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришига алоҳида аҳамият берилган. Жумладан, касаба уюшмалари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг 6214 нафари Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарлари бўйлаб саёҳатда бўлишди.

«Касаба уюшмалари — болаларга», «Касаба уюшмалари — ҳарбийларга», «Касаба уюшмалари — хотин-қизларга», «Касаба уюшмалари — фахрийларга» каби акциялар доирасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилди.

Раёсатда яна қатор масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда, шунингдек, «Ибратли касаба уюшма кенгаши» танлови ғолибларига компютер жамланмалари, ишда намуна кўрсатган бошланғич ташкилот етакчиларига сиҳатгоҳга бепул йўлланмалар топширилди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Менга сўз беринг

## МУСТАҚИЛЛИК ШУКУҲИ



**Баҳодир АСЛОНОВ,**
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

*Ҳурлик — буюк неъмат. Мустақилликнинг халқимиз ҳаётида туб бурилиш ясаганини ватандошларимизнинг юз-кўзидаги шукроналик, кўзларидаги қувончдан илғаш қийин эмас.*

*Ким эдигу ким бўлдик? Шу саволни ўзига берган одам борки, кўз ўнгида ўтмиш ва келажак бутун бўй-басти билан жонланади, ота-боболаримизнинг чекига тушган азоб-уқубатли кунлар, биқиқ бир ҳолат ва айни дамда мустақилликдан кейинги қисқа давр ичида бўй кўрсатган тараққиёт намоён бўлади.*

*Бугунги кунда вилоятимизда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимида меҳнат қилаётган меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда дам олдириш каби бир қатор ишлар «ислоҳот — ислоҳот учун эмас, ислоҳот — инсон учун!» деган ҳикмат қанчалар ҳаётбахш эканлигини амалда тасдиқлайди.*

*2016 йилнинг ўтган даври мобайнида Давлат дастурига асосан Кармана, Қизилтепа, Хатирчи, Навбаҳор туманларида қишлоқ хўжалигида узоқ йиллар хизмат қилган аёллардан 90 нафари учун касаба уюшма маблағлари ҳисобидан қадимий ва мустақиллик йилларида ташкил этилган иншоотлар бўйлаб саёҳат уюштирилди.*

*Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу дунёда ёмонликни кўрмаган одам яхшиликнинг қадрини билмайди. Қийналмаган одам ҳақиқий бахт нима эканлигини тўлиқ англаб етмайди. Шундай экан, бугунги дориламон кунларимиз қадрига етиб, халқимиз фаровонлиги йўлида кучимиз, билимимиз, истеъдодимиз ва салоҳиятимиз борича сидқидилдан меҳнат қилиб, эл-юрт корига яраш барчамизнинг бурчимиздир.*



**Камолиддин РЎЗМЕТОВ,**
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят бирлашган қўмитаси раиси:

*— Истиқлол йилларида мамлакатимиз чинакамига бунёдкорлик майдонига айланди. Хоразм вилоятида барпо этилаётган иншоотлар бунга бир мисол. Қад ростлаётган иморатларга қараб туриб, нафақат кўнглимиз ўсаётганини, шунингдек, руҳиятимиз тозаланаётганини ҳис қиламиз.*

*Қишлоқлардаги намунали уйларда истиқомат қилаётган элдошларимиз билан суҳбатлашсангиз, бахтдан, истиқлол берган чексиз имкониятлардан қанчалар мамнун эканлигига гувоҳ бўласиз.*

*Қолаверса, йўлларимиз ҳам кун сайин равонлашиб бормоқда. Урганч шаҳрида нафақат автомобил йўллари, балки пиёдалар йўлаклари ҳам таъмирланиб, брусчаткалар ётқизилган, ҳаммаёқ гулзор. Шуларни кузата туриб, бунёдкорлар манфаатларини ҳимоя қилиш зиммамизда эканидан беихтиёр фахрланиб кетаман. Ғурур, ифтихор, шукроналик туйғуси ила яшаш қандай саодат эканлигини ҳар лаҳзада туймоқдамиз.*

Маънавият соати

# Энг улуғ неъмат



**«Ботаника» санаторийсида ишчи-ходим ва дам олувчилар иштирокида мустақилликнинг 25 йиллигига бағишлаб «Маънавият соати» ўтказилди.**

«Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» мавзусида ташкил этилган тадбирда санаторий директори Тўрабой Аҳмедов мамлакатимизда чорак аср давомида амалга оширилган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари, барча соҳаларда эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритди.

ЎзКУФ қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси Ўқув-услубий маркази маданий-маърифий ишлар бўлими мутахассиси Маҳмуда Мурзаева истиқлол туфайли энг олий қадрият — миллий онг ва қадр-қиммат, ўзликни англаш туйғуси, тилимиз, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз тикланганлигига эътибор қаратди.

«Ботаника» МФЙ раиси Шуҳрат Қорабоев сиҳатгоҳ жойлашган масканда 2200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилиши, уларнинг тинчлиги маҳалла тинчлиги, маҳалла тинчлиги Ватан тинчлиги эканлигини таъкидлади. Бу каби тадбирлар ҳозирги фаровон ҳаётимизнинг ўзига хос шукронаси эканлигига алоҳида урғу берди.



— 82 ёшдаман, — дейди Шаҳрисабздан келиб дам олаётган Холбиби Шукурова. — Шукр қиламанки, юрт мустақиллигини кўрдим. Унинг мусаффо ҳавосидан нафас олаяпман. Истиқлолимиз абадий, бундай шароит ва имкониятлар яратиб берганлар омон бўлсин...

— Юртимиз тинч, фаровон. Шу кунларнинг қадрига етиб, уни асраб-авайлаш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш, Ватан равнақига қўлимиздан келганча ҳисса қўшиш барчамизнинг бурчимиздир, — дея Холбиби онанинг гапини давом эттиради Косон туманидан келган ўқитувчи Юлдуз Умарова.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
*Муаллиф олган суратлар*

Ўзбекистон — мутахассислар мамлакати

**Шифокор Шукрулла ака ва ўқитувчи Зулайҳо опа хонадонида, элга сиҳат улашиш, зиё тарқатиш муҳитида ўсган Зайниддин умумтаълим мактабини тамомлагач, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда таҳсил олди. 2004 йилда Академия талабаси бўлиш бахтига эришди. Сўнг олий маълумотли мутахассис сифатида Қамашига қайтиб, «Гулистон» қишлоқ врачлик пунктида умумий амалиёт шифокори лавозимида иш бошлади.**

# Интилиб яшаганга не етсин

Фаоллиги туфайли у шу йилиёқ умумий амалиёт шифокорлари ўртасидаги кўрик-танловнинг туман босқичида ғолиб бўлиб, вилоят босқичида иккинчи ўринга лойиқ кўрилди. Бу муваффақият туман тиббиёт мутасаддиларининг эътиборига тушиб, Зайниддин Эшонқулов Ғиштли ҚВП бош шифокори этиб тайинланди.

Иштиёқ яна йўлга чорлади. Самарқанд тиббиёт институти 1-клиникасида икки йил кардиология мутахассислиги бўйича клиник ординатурани ўтади ва Қамаши туманидаги шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимида кардиолог бўлиб фаолият кўрсата бошлади.

Бу орада Республика шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш илмий маркази Қашқадарё вилоят филиали раҳбарлари изланувчан йигитни ўз жамоасига таклиф этишди. Зайниддин ҳар икки жамоада, Қарши шаҳри ва Қамаши туманларида аҳоли саломатлиги учун жонкуярлик кўрсатишни давом эттирди.

Мамлакатимизда тиббиётга берилаётган эътибор туфайли 2014 йилда Қамашида ҳам «Реабилитация бўлими» ташкил этилди ҳамда ушбу бўлим ишларини бошқариш З.Эшонқулов зиммасига юклатилди. Саъй-ҳаракатлар эвазига ҳозир бу ерда 15 та янги иш ўрни яратилган. Туман аҳолиси аҳил ва ишчан жамоадан, уларнинг замонавий ускуналар ёрдамида кўрсатаётган тиббий хизматидан мамнун.

13 ўринга мўлжалланган «Реабилитация бўлими»да кўплаб беморлар дардларига шифо топди, топмоқда.

— Келганимга беш кун бўлди, — деди биз билан суҳбатда шу ерда муолажа олаётган Очила Хушмуродова. — Барча шароитлар мавжуд. Катта ҳамшира Ўғилой Тўраева, навбатчи ҳамширалар Васила Норқосова, физиотерапик даволаш бўйича Дилрабо Қурбонмуродова ва бошқалардан жуда миннатдормиз. Ҳозир анча яхшиман.

Зайниддин Эшонқулов 2014 ва 2016 йилларда касаба уюшмалари томонидан ўтказилаётган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танлови «Энг фаол ёш шифокор» йўналишининг туман босқичида ғолиб бўлди, вилоятда эса иккинчи ўрин насиб этди.

— Бу кўрик-танлов ёш мутахассисларни изланишга, ўз устида янада кўпроқ ишлашга ундайди, — дейди у. — Кўп нарса ўргандик, энг муҳими, янги-янги ғоялар туғиляпти. Уч йилдан буён Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институтида малака ва билимимни оширяпман. Яқин келажакда «Реабилитация бўлими»га янада кўпроқ замонавий тиббиёт аппаратлари олиб келмоқчимиз...

Зайниддин Эшонқулов Халқ депутатлари Қамаши туман кенгаши депутати ҳамдир. У маҳалла ва таълим муассасаларида бўлади, ёшлар билан учрашиб, йигит-қизларни мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга амалий ишлари билан муносиб ҳисса қўшишга чорлайди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Меҳнат муҳофазаси

# Ҳам амалий, ҳам назарий

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан Федерация Кенгашининг Ўқув марказида Халқаро меҳнат ташкилоти ва ижтимоий ҳамкорлар иштирокида меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан давлат назорати ва жамоат текширувини олиб борувчи ходимларнинг биргаликдаги ўқуви ташкил этилди.**



Тадбирда ЎзКУФК меҳнат муҳофазаси бўлими мутахассислари, ХМТ вакиллари, Меҳнат вазирлигининг давлат меҳнат техник инспекторлари, «Саноатгеоконтехназорат», «Ўздавэнергоназорати» инспекциялари ҳамда меҳнат муҳофазаси мутахассислари бой тажрибалари билан ўртоқлашди. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик қоидаларига амал қилиш, бу масалага иш берувчи ва ходимлар эътиборини кучайтириш, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши устидан давлат ва жамоат назорати олиб борилишида ижтимоий шерикликнинг аҳамияти, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти ва унинг фаолияти, мамлакатимизда амалда бўлган қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатлар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Дарҳақиқат, касаба уюшмалари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш, ишловчилар учун муносиб меҳнат шароитлари яратилишига эришиш йўналишида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

— Вазирлар Маҳкамаси, ЎзКУФК ва Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014 — 2016 йиллар учун мўлжалланган Бош келишув республикамизнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат ҳуқуқлари билан биргаликда уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш ва хавфсиз иш ўринларини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда, — дейди ЎзКУФК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Каримова.

Шунингдек, семинарда Халқаро Меҳнат Ташкилоти эксперти Вера Гусева Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигининг стандартларини, хусусан, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги Конвенция ва тавсияларни ҳамда Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашувчи асослар тўғрисидаги Конвенция ва тавсияларни ҳисобга олган ҳолда ММХнинг янги қонунчилик базасини қабул қилиш ва мавжуд базани такомиллаштириш хусусида сўз юритди.

Очиқ мулоқот жараёнида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олди.

Ўқув-семинар иштирокчилар билимини янада бойитишга хизмат қилди.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Навоий вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан 2014 – 2016 йилларга тузилган ҳудудий келишувнинг тегишли банди ижроси юзасидан барча шаҳар ва туманларда меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар малакасини ошириш мақсадида «Корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоат назоратини ташкил этиш» мавзусида ўқув-семинарлар уюштирилди.**

# Семинар қизиқарли ўтди

Кармана, Қизилтепа, Нурота, Навбаҳор, Хатирчи, Конимех туманлари ва Навоий шаҳрида бўлиб ўтган ўқув-семинарларда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Ч.Қодиров, вилоят меҳнат бош бошқармаси бош давлат техник инспекцияси бошлиғи Ф.Болиев ҳамда туман суғурта бўлимлари ходимлари ва вилоят Суғурта маркази бошлиғи А.Ражабов томонидан тармоқ касаба уюшмаларида сайланган 834 нафар вакилга меҳнат муҳофазаси соҳасидаги долзарб масалалар юзасидан тушунча берилди.

Шунингдек, «Ўзбекистонда меҳнатни муҳофаза қилишда касаба уюшмаларининг роли» ҳамда «Касаба уюшмалари соҳасида жамоатчи вакилнинг вазифа ва ҳуқуқлари» тўғрисида видеофилмлар намойиш этилди. Ўқув-семинар савол-жавобларга бой ўтди.

**Маҳбуба ҚАМБАРОВА,**
**вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси**

# Истиқлолнинг истиқболли жабҳаси



(1).

Андижондаги «O'z-TongXong» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ҳам тизимда ўз ўрнига эга бўлиб, йилига 250 минг жамлама автомобил ўриндиқларини ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда йигирма йилдирки, Асакадаги автомобил заводида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар учун бутловчи қисм, хусусан, сифати жаҳон андозасига мос бўлган ўриндиқлар тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, Самарқанддаги «СамАвто» корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган «ISUZU» автобус ва юк машиналари халқимиз узоғини яқин қилаяпти. Юртдошларимиз заводнинг яна бир янги маркадаги Samauto LE 60 автобуслари қатновга чиққанига гувоҳ бўлишди. Мазкур замонавий русумдаги автобуслар бугунги кунда шаҳар кўчаларига кўрк бағишлаётир.

Самарқанддаги «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси бугунги кунда 50 хилдан ортиқ юк автомобиллари ва махсус техникалар ишлаб чиқармоқда. Яқиндан бошлаб корхонада 10 m3 номинал сиғимга эга MAN TGS 41.400 8X4 BB M072 русумли автобетонқориштиргич ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Таъкидлаш ўринлики, Марказий Осиё давлатлари ичида Ўзбекистон металл ишлаб чиқариш соҳасида ҳам етакчи ўринларда туради. «Ўзметкомбинат» АЖ қора металл прокати ишлаб чиқариш бўйича йирик корхона саналиб, мустақиллик йилларида комбинатда техник ва технологик қайта жиҳозлашга, модернизация қилишга катта эътибор берилди. Натижада, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлиги оширилди.

Комбинатда охирги беш йилда инвестиция дастури бўйича 11 лойиҳа амалга оширилган бўлиб, янги асбоб-ускуналар ва Европа сифатидаги замонавий технологияга эга базалт негизида иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

Айтиш жоизки, машинасозлик, электротехника саноати республикада жадал ривожланаётган тармоқлардан ҳисобланади. Биргина электротехника соҳасида 2005 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 80 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 1 триллион 300 млрд. сўмни ташкил этди. 2015 йилда ва 2016 йилнинг биринчи ярмида тармоқ корхоналари томонидан 1,5 трлн. сўмдан ортиқ ишлаб чиқарилган маҳсулот республиканинг турли тармоғи, жумладан, энергетика, нефт ва газ, тоғ-кон саноатларига, ижтимоий соҳа объектларига етказиб берилди.

Бугунги кунда компания тизимида 50 га яқин кабел, электротехника, маиший техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларга техник хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият юритади. Компания таркибидаги 27 та корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Тармоқни ривожлантириш дастурига кўра 2030 йилгача соҳада 1 млрд. долларга яқин сармоя ўзлаштирилиб, 22 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши ва барча корхоналарни модернизациялаш ҳисобига маҳсулот тайёрлаш ҳажми 5,1 бароборга ортиши кутилмоқда. Ҳозирда «Ўзэлтехсаноат» АК томонидан 2016 — 2019 йиллар давомида ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш ва қишлоққа саноатни олиб киришни жадаллаштиришга қаратилган қиймати 295 миллион доллар бўлган 95 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳаларни татбиқ этиш натижасида 5 мингга яқин янги иш ўрни яратилади.

Республикамизда давом этаётган ислоҳотлар сабабли металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари корхоналарида ҳам янги ишлаб чиқаришлар қурилиши, фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг реконструкция қилиниши натижасида янги технологиялар жорий этилмоқда. Хавфсизлик даражаси бўйича халқаро стандартлар талабига жавоб берадиган янги асбоб-ускуналар ўрнатилмоқда ва ходимларга яратилаётган шарт-шароитлар даражаси кўтарилиб, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса, касб касалликларига чалиниш сони камаймоқда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг камайиши, иш берувчилар томонидан соҳага оид қоида ва меъёрлар талаби бажарилишининг яна бир сабаби меҳнат муҳофазаси устидан ўрнатилган самарали назоратдир. Бу борада касаба уюшмаси қонунчиликда берилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, меҳнат муҳофазаси устидан ўрнатилган жамоатчилик назоратини олиб бормоқда.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари иш берувчилар билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси қонунчилиги талабларини бажариш, ишчиларни меъёрда белгиланган махсус кийим, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, уларнинг дам олишини ташкил этиш бўйича бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда.

